



# DaF - Unterricht im digitalen Zeitalter

Internationale Digitalkonferenz

27-28. November

**Taschkent 2020**



УДК: 43(07)  
Р – 32  
ББК: 81.2 Нем.

## DAF-UNTERRICHT IM DIGITALEN ZEITALTER

Beiträge und Referate der internationalen wissenschaftlich-praxisorientierten  
Digitalkonferenz

Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари тўплами  
Сборник материалов международной научно-практической онлайн-конференции

*Die Redaktion übernimmt keine Haftung für die Qualität, Richtigkeit, Vollständigkeit und Aktualität der Beiträge. Die liegen im Verantwortungsbereich der jeweiligen Autoren und spiegeln nicht die Meinung der Redaktion wider.*

*Анжуман тўпламига тақдим этилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар шахсан жавобгардир. Таҳририят фикри мақолалар муаллифларининг қарашлари билан мос келмаслиги мумкин.*

*За содержание и достоверность статей ответственность несут авторы. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.*



ХУДОЕВ САМАНДАР САМАТОВИЧ  
Бухоро давлат университети Немис ва  
француз тиллари кафедраси ўқитувчиси

## НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Калит сўзлар:** масофавий таълим, малака ошириш, рақамли технология, инновацион технология.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, повышение квалификации, цифровая технология, инновационная технология.

**Schlüsselwörter:** digitales Lernen, Fortbildung, digitale Technologie, innovative Technologie.

**Аннотация:** Мақолада немис тили ўқитувчиларининг малакасини оширишда рақамли технологиялар ва манбалардан фойдаланиш учун тавсиялар берилган.

**Аннотация:** В статье даны рекомендации по использованию цифровых технологий и ресурсов в повышении квалификации учителей немецкого языка.

**Abstract:** Der Artikel enthält Empfehlungen zum Einsatz digitaler Technologien und Ressourcen für die Fortbildung von Deutschlehrern.

Сўнги йилларда чет тилини ўқитишда таълим жараёнининг деярли барча қирраларини қамраб олган катта ўзгаришлар юз берди. Чет тилларни ўқитишда ва педагог кадрлар малакасини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масаласи тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Жумладан рақамли технологияларнинг таълим тизимида кенг қўлланилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Айни пайтда чет тилини ўқитишнинг янги метод ва шакллари пайдо бўлдики, улар ёрдамида нафақат ўқув жараёнида маълумот алмашиш ва узатишнинг турли технологияларини тадбиқ этиш имкони туғилди, балки ўқувчиларнинг коммуникатив билимларини ривожлантиришга, нутқ кўникмаларини оширишга қаратилган ўқитиш усулларининг яхлит тизими шаклланди.

Бутун дунёда пандемия сабабли мактаблар ва университетлар бир неча ойга ёпилишига мажбур бўлди. Профессор ўқитувчилар олдида янги вазифа пайдо бўлди: улар ушбу ҳолатга тезкор муносабат билдиришлари ва таълимни онлайн форматга ўтказиш орқали ўқув жараёнини сақлаб қолишлари керак бўлди. Натижада бир томондан ушбу қийин шароитлар орқали таълим жараёнини рақамлаштириш томон жуда муҳим қадам ташланди. Ўқитувчилар катта фидоийлик билан янги кўникмаларга эга бўлишди. Бошқа томондан эса, ўқитувчилар бу жараёнга етарли даражада тайёр эмасликларини ва ўз ўқувчилари сингари мутлақо бошқача малака ва кўникмаларга эга бўлишлари кераклигини ҳис қилдилар. Барча профессор-ўқитувчилар учун бугунги кунда одатий ҳолга келган янги ўқув форматининг ўзлаштириш зарурати туғилди. Пандемия сабаб бутун дунё бўйлаб ўқиш ва ўқитишни “яшин тезлигида рақамлаштириш” жараёни бошланди. Ушбу жараёнга ОТМлар қийинчилик билан бўлса ҳам ўтмоқдалар, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда олий таълимни масофавий ўқитиш тизимига ўтказилди. Янги 2020-21 ўқув йили ҳам республикамиз талабалари учун масофавий тарзда бошланди.



Таълим тизимимизда эътиборни тортадиган яна бир соҳа борки, унинг аҳамияти талабаларга ҳар томонлама замонавий билим беришдек долзарбдир. Бу мавжуд немис тили педагог кадрларини малакасини ошириш ва бугунги беқарор вазиятда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласидир. Мактабларда масофавий таълим тизимини жорий этиш борасида мутасадди ташкилотлар томонидан улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан немис тили ўқитувчиларининг масофавий дарсларни муваффақиятли ўтишлари учун зарур материаллар манбаи ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Биз қуйида ўқитувчилар немис тилидан ўз билим ва малакаларини оширишга хизмат қиладиган манбалардан бирини ёритмоқчимиз.

Зарур манбаларга энг аввало Гёте институти расмий сайтини таъкидлаш лозим, ушбу сайт немис тили дарсларини режалаштириш ва ташкиллаштиришга оид турли тавсия ва материалларни тақдим этади. Яна бир манба "Die deutsche Welle" интернет сайтининг Deutsch lernen (<https://www.dw.com/de/deutsch-lernen>) саҳифаси бўлиб, у немис тили ўқитувчиларининг ҳам таълим бериш, ҳам билим ва малакасини оширишга кенг имкониятлар эшигини очади. Мазкур сайт немис тилининг турли даражаларига мос мавзувий сараланган ҳолда янги сўз ва иборалар, матн, аудиоматн, видеофилм, кундалик ҳаётда қўлланадиган сўз ва иборалардан иборат диалоглар кенг танловини, шунингдек Германия ва жаҳон янгиликлари ҳатто секин суръатдаги вариантини тақдим этади. Ушбу сайтдан ўрта умумтаълим мактаби ва ОТМ ўқитувчилари немис тили дарсларида бирдек фойдаланишлари мумкин. Сайтнинг афзаллиги шундаки, у техник жиҳатдан фойдаланиш оддий ва ишлатиш учун қулай, шунинг учун у айна пайтда тил ўрганиш учун энг яхши платформалардан биридир. Тингловчини қизиқтириш учун сайтда ток-шоу, мусиқий видеоклиплар, ақлни чархлайдиган ўйинлар, юмористик видеолар, янгиликлар, қизиқарли сўхбатлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу сайтда мавжуд бўлган матн ва топшириқлар ёрдамида сиз немис тилида тинглаб тушуниш, гапириш ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришингиз мумкин. Билимингизни синаб кўриш учун саҳифада тест саволлари жойлаштирилган. Die deutsche Welle/Deutsch lernen саҳифаси тўрт қисмга бўлинади: Deutschkurse, Deutsch XXL, Community D, Deutsch unterrichten. Deutschkurse - A1 дан C1 даражагача немис тилини ўрганиш учун курсларни тақдим этади. Deutsch XXL - асосан янгиликлар, ҳамда немис маданияти ва уларнинг диёри ҳақидаги ўлкашунослик маълумотларига бағишланган. Community D - саҳифа иштирокчилари ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик майдонидир. Унда ҳар бир иштирокчи қизиқтирган саволини бошқа иштирокчига бериш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкони мавжуд. Сизга немис тилидан дарс ўтиш учун материал ва ғоя керакми? Унда сизга Deutsch unterrichten – саҳифаси ёрдам беради. Сиз ушбу саҳифада дарсга керакли аудиоматнларни топасиз. Кўпгина матнларни тинглаш атиги 2 дақиқа давом этади ва бу тингловчининг шу вақт ичида чарчамаслигига, унинг диққати бўлинмаслиги ва қизиқиши йўқолмаслигига ёрдам беради.

Рақамли технологияларни кенг қўллашни анъанавий ўқитиш усули билан таққослаганда, чет тилини ўқитишда янги ғояларни тадбиқ этиш ва ўқитувчининг ролини ўзгартириши муқаррар. Унинг вазифаси нафақат талабаларнинг мустақил ишлашини кучайтириш, балки ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишга, шахсий ривожланиш ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Халқимизда “Ҳар ёмонни бир яхшиси бор” деган нақл бор, яъни кутилмаган пандемия шароити қисқа муддатда таълимда масофавий таълим тизимини жорий этишга мажбур қилди. Янги тизим рақамли технологияларни кенг жорий қилишга туртки бўлди. Эндиги вазифамиз ўқитувчиларни масофавий таълимга ўргатиш баробарида рақамли



технологиялардан унумли фойдаланиш орқали билим ва малакаларини оширишга эришишимиз лозим.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1) Саркисян А. В. Использование Интернет-ресурсов на уроке иностранного языка [Электронный ресурс]. Режим доступа:
- 2) <https://nsportal.ru/shkola/inostrannye42yazyki/library/2016/02/23/ispolzovanie-internet-resursov-na-uroke-inostrannogo>
- 3) <https://www.dw.com/de/deutsch-lernen>

**YUSUPOV ANVAR ABDULLA OG'LI**  
**Usbekische Staatliche Weltsprachenuniversität,**  
**Deutschlehrer**

### DIE ROLLE DER SPRACHWISSENSCHAFT UND DES SPRACHUNTERRICHTS IN DER GESELLSCHAFT

**Schlüsselwörter:** Sprachwissenschaft, Fähigkeiten, Begabung, Sprachenunterricht, Sprachpädagogik, Motive.

**Аннотация:** Жаҳонда жамиятнинг ривожланиши тил соҳасига оид муносабатлардаги муаммоларни ечимига қизиқишни ўсишига олиб келди. Ва бунинг таъсирида тилшунослик вазифалари ва ривожланиш даражаси тубдан ўзгарди.

Тилшунослик ва тилларни ўқитишнинг узвийлиги тўғрисида сўнги йилларда кўп тилга олинаётган масала ҳозирги кунда Ўзбекистонда жуда ҳам долзарб соҳа ҳисобланади.

Олий таълимдаги услоҳатлар тамойиллари, шунингдек академия тизимидаги услоҳатлар янада муҳим ўзгаришларни, тилшунослик билан тилларни ўқитишда янада яқинроқ илмий, амалий муносабатларни юзага келтиришни талаб қилмоқда.

**Аннотация:** Общественное развитие в мире привело к возрастанию интереса по решению проблем языкового общения. Под этим влиянием существенно изменились задачи и темпы развития лингвистики.

Взаимосвязь языкознания и преподавания языков, о которой в последние несколько лет нечасто говорили, сейчас очень актуальна в Узбекистане. Принципы реформы высшего образования, а также реформы академической системы, применяемые с соответствующими изменениями, требуют установления более тесных рабочих контактов между лингвистикой и языковой педагогией.

**Annotation:** Die gesellschaftliche Entwicklung in der Welt führt zu einem wachsenden Interesse an der Lösung von Problemen der sprachlichen Kommunikation. Aufgabenstellung und Entwicklungstempo der Sprachwissenschaft verändern sich unter diesem Einfluss beträchtlich.

Das auch in den vergangenen Jahren nicht selten diskutierte Verhältnis zwischen Sprachwissenschaft und Sprachenunterricht ist gegenwärtig in Usbekistan von großer Aktualität. Die Prinzipien der Hochschulreform sowie der Akademiereform -sinngemäß angewandt-

**3. SEKTION****EINSATZ MODERNER LEHRPROGRAMME UND DIGITALER TECHNOLOGIEN IM  
BEREICH DER DEUTSCHLEHRERFORTBILDUNG 102****Нурматова Назира Адхамджановна**

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ДАСТУРЛАР ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ДАВРИДА КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИГА ЎТИШ..... 103

**Худоев Самандар Саматович**

НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ..... 105

**Yusupov Anvar Abdulla Og'li**

DIE ROLLE DER SPRACHWISSENSCHAFT UND DES SPRACHUNTERRICHTS IN DER  
GESELLSCHAFT..... 107

**Юсупова Дилфуза Икромовна**

РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВРИДА МАДАНИЯТЛАРАРО  
МУЛОҚОТНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ..... 110

**4. SEKTION****ERSTELLUNG UND IMPLEMENTIERUNG MULTIMEDIALER HILFSMITTEL UND  
ONLINE-RESSOURCEN FÜR DEN DAF-UNTERRICHT 114****Абдуллаева С.Я.****Сулейманова Н.К.**

ОСОБАЯ ЗНАЧИМОСТЬ И ВЛИЯНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАТИВНЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ НЕМЕЦКОМУ ЯЗЫКУ..... 115

**Бабаева Васида Ташпулатовна**

NEMIS TILINI O'RGATISHDA FONETIKA VA INTERFAOL METODLARNING ROLI..... 119

**Каюмов Улугбек Равшанович**

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В  
ОБУЧЕНИИ НЕМЕЦКОМУ ЯЗЫКУ..... 122

**Лямкина В.А.**

О РОЛИ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПО НЕМЕЦКОМУ ЯЗЫКУ..... 126

**Назаров Сардор Хасанович**

ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ  
ИМКОНИАТЛАРИ..... 130

**Насиров Зухриддин Шакирджанович**

НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ..... 134

**Saidova Makhsudakhon Abbasovna**

ZAMONAVIY INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN DARS JARAYONIDA  
FOYDALANISH..... 137

**Saydaliyev Saidumar**

NEMIS TILIDA "CORONA – PANDEMIYA" MAVZUSI USTIDA MASOFAVIY ISHLASH  
HUSUSIDA..... 140